

---

## "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази

Данғара туманида жойлашган "Инсон" ижтимоий хизматлар марказида қарийб 4,5 минг нафар фуқарога хизмат кўрсатилди 2023 йилнинг 1 июнь санасидан буён Данғара туманидаги "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази томонидан 4 минг 466 нафар фуқарога ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатилди. Жумладан:

147 нафар "якка-ёлғизлар реестри"га кириш учун талабгорлар ўрганиб чиқилди;

149 нафар фуқаронинг ҳужжатларига аниқлик киритиш, тиббий кўригини ташкиллаш, яқинлари билан алоқаларини тиклаш бўйича иш олиб борилиб, 13 нафар ўзгалар парваришига муҳтож якка-ёлғиз яшайдиган кексаларнинг яқинлари билан алоқалари тикланиб, "якка-ёлғизлар реестри"дан чиқарилди;

2 нафар фуқародан "Мурувват" уйига ариза қабул қилинди;

30 нафар фуқаро реабилитация воситаси учун, 23 нафар фуқаро протез-ортопедия мосламаси учун сертификат билан таъминланди;

174 нафар фуқарога санаторийда даволаниш учун йўлланма берилди;

169 нафар васийлик ва ҳомийликка олинган, оилавий болалар уйларига берилган болаларнинг шарт-шароитлари ўрганилди;

45 нафар ота-она қарамоғисиз қолган болаларга васийлик ва ҳомийлик белгилаш учун, 7 та васийликни бекор қилиш бўйича маълумот киритилди;

66 нафар психологик-тиббий-педагогик комиссия томонидан алоҳида таълим учун тавсия берилган болаларнинг амалда таълим олиш билан боғлиқ жараёни мониторингдан ўтказилди;

14 нафар тазйиқ ва зўравонликка учраган фуқаролар мониторинг қилиниб, 5 нафар фуқарога психологик, бўйича юридик ёрдам кўрсатилди;

24 нафар "якка-ёлғизлар реестри"даги фуқаро чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш режасига мувофиқ, тиббий кўрикдан ўтказилиб, шундан даволанишга муҳтож 8 нафарининг бепул даволаниши таъминланди;

2 нафарига эса солиқ имтиёзи қўлланилиши таъминланди;

80 нафар параспорт билан шуғулланишга тавсия берилган ногиронлиги бўлган шахслар ўрганилиб, шундан 20 нафари параспортга жалб қилинди;

262 нафар муайян меҳнат билан шуғулланиш бўйича тавсия берилган ногиронлиги бўлган шахслар бандлиги мониторинг қилинди. Мониторинг давомида 16 нафари ишлаётгани ҳамда 49 нафарининг ишлаш истаги борлиги аниқланиб, бу фуқаролар касб-ҳунар ўрганишга йўналтирилди;Шунингдек, 3 минг 254 нафар ногиронлиги бўлган шахслар ва оғир беморларни 2024 йилда реабилитация қилишнинг техник воситалари ва протез-ортопедия маҳсулотларига эҳтиёжи ўрганилди.Ўрганиш натижаларига кўра:

22 нафар фуқаронинг 54 та протез-ортопедия мосламасига;- 71 нафар фуқаронинг 71 та реабилитация техник воситасига (31 та арава, 17 та эшитиш аппарати, 12 та қўлтиқтаёқ, 6 та ҳасса, 2 та тирсақли қўлтиқтаёқ, 1 та ходунок, 1 та кўзи ожизлар ҳассаси ва 1 та бошқа турдаги восита) эҳтиёжи мавжудлиги аниқланди.

2024-01-10 16:32:43